

«Gross sug‘urta kompaniyasi» AJ

Ягона акциядорининг

2022 йил 9 марта даги

б- қарори билан

«ТАСДИКЛАНГАН»

Жамият ягона акциядори  
Ф.Б. Ахмеджанов



**«GROSS SUG‘URTA KOMPANIYASI»  
AKSIYADORLIK JAMIYATI  
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТҮҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

## **МУНДАРИЖА**

- I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**
- II. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ - БОШҚАРУВИНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ**
- III. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**
- IV. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ РАИСИ ВА АЪЗОЛАРИНИНГ ВАКОЛАТ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**
- V. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ИШ ТАРТИБИ**
- VI. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

### **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1.1** Мазкур низом «Gross sug‘urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati ижроия органи - Башқарувининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини тайинлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзосининг хуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

**1.2** Мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва «Gross sug‘urta kompaniyasi» aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда Жамият) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

### **2. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ - БОШҚАРУВИНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

**2.1** Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик ижроия орган – жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади. Башқарув фаолиятига жамият Башқарув раиси раҳбарлик қилади.

**2.2** Жамият бошқаруви 5 (беш) нафар аъзодан иборат бўлиб, қўйидаги лавозимлардан иборат:

- Башқарув раиси;
- Башқарув раисининг биринчи ўринbosари;
- Башқарув раисининг Молия ишлари бўйича ўринbosари;
- Башқарув раиси ўринbosари;
- Жамиятнинг Хуқукий таъминлаш ва суғурта тўловлари маркази директори.

**2.3** Жамият бошқарувининг сон таркиби бошқарув аппаратини имкони борича қисқартириш, жамиятни бошқаришда бир-бирини такрорловчи бўғинларнинг тугатилиши ва у билан боғлиқ бошқарув хужжатларининг қисқариши принципларидан келиб чиқиб белгиланади.

**2.4** Жамият бошқаруви Жамиятнинг коллегиал ижроия орган асосидаги ижро этувчи орган ҳисобланиб, унинг жорий фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави ва акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

**2.5** Жамият Башқаруви раиси ва аъзолари жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.

**2.6** Жамият Башқаруви аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорларининг умумий йиғилишида катнашишлари мумкин.

**2.7** Башқарув таркибига таклиф қилинган номзодлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинлангандан кейин, Башқарув аъзоси ёки Башқарув раиси билан лавозим бўйича мажбуриятларни бажариш юзасидан шартнома тузилади. Шартнома бир йил муддатга, уни узайтириш ёки тугатиш ҳақида қарор қилиш асосида тузилади.

**2.8** Жамият Башқаруви раиси ва унинг аъзолари билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият ягона акциядори имзолайди.

**2.9** Жамият акциядорларининг умумий йигилиши Жамиятнинг бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар шартнома шартлари бузилса ва (ёки) улар томонидан Жамият уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйилса ёки уларнинг ҳаракатлари (харакатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор килиш) хукуқига эга.

**2.10** Бошқарув раиси томонидан Жамиятнинг йиллик бизнес режаси параметрлари бажарилиши ва (ёки) Жамият устави қўпол равишда бузилса ва унинг харакати ёки ҳаракатсизлиги натижасида Жамиятга жиддий зарар етказилган тақдирда, Жамият акциядорларининг умумий йигилиши у билан тузилган шартномани муддатидан илгари тугатиш хукуқига эга.

**2.11** Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари билан шартномани бекор қилиш ҳақидаги қарор акциядорларининг умумий йигилишида оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

**2.12** Жамият бошқаруви раиси ва аъзоларининг ойлик маоши ва уларни моддий рағбатлантириш миқдори Жамият фаолияти самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Жамият бошқаруви раиси ва аъзоларига ҳак тўлаш миқдори ва тартиби жамият акциядорларининг умумий йигилиши томонидан тасдиқланадиган ички хужжатга асосан амалга оширилади.

**2.13** Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Жамият Бошқаруви органларида ўриндошлиқ асосида ишлашга ҳақли эмаслар.

### **3. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИННИГ ВАКОЛАТ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**3.1** Жамият бошқаруви ваколатига Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал килиш киради. Акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

**3.2** Бошқарув раиси ва аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари амалдаги қонунчилик, Жамият устави ва уларнинг ҳар бири билан тузиладиган шартномалар билан белгиланади.

**3.3** Жамият Бошқаруви акциядорлар умумий йигилиши қарорлари бажарилишини ташкил этади.

#### **3.4 Жамият Бошқарувининг мажбуриятлари ва ваколатларига қўйидагилар киради:**

а) акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чакириш, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 65 – моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган холлар мустасно;

б) акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;

в) акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

г) акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

д) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол –мулки ва пул маблагларини тассаруф этиш;

е) Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

ж) Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар Умумий йигилишининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

з) Жамият шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

и) Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

к) Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес – режалари ишлаб чиқиши, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

л) Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес – режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

м) қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

н) Жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамият тафтишчиси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этиш;

о) ўз ваколати доирасида мол – мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол – мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим тузиш (битим тузиш масаласида Жамият Бошқаруви яқдиллигига эришилмаган ҳолларда битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият бошқаруви қарорига мувофиқ Акциядорларнинг умумий йигилиши хукмiga ҳавола этилиши мумкин);

п) Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахбортларни саклаш. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади;

р) ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахбортни Акциядорларнинг умумий йигилишига белгиланган муддатда тақдим этиш;

с) Жамият Акциядорларининг умумий йигилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча хукуқларига риоя қилиш;

т) ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишларини таъминлаш;

у) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

ф) Жамиятнинг Бошқаруви, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.6 Жамиятнинг Бошқаруви, қонунчилик, жамият устави ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин. Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

#### **4. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ РАИСИ ВА АЪЗОЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

##### **4.1 Жамият Бошқарув раисининг мажбуриятлари ва ваколатларига қуйидагилар киради:**

а) Жамиятнинг самарадор ва барқарор иш юритишини таъминлаган ҳолда кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар Умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари;

б) акциядорлар Умумий йигилишининг қарорлари ижросини таъминлаш;

в) Жамиятнинг шартомавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;

г) Жамият фаолияти ва ижтимоий соҳа ривожланиши учун зарур бўлган даромад олишни таъминлаш;

д) Жамиятнинг бизнес – режа ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;

е) Жамият фаолиятини юритишда қонунчилик талабларига риоя этишини таъминлаш;

ж) Жамият бошқаруви мажлисларини ўтказиш ва баённома (қарор) ларини имзолаш, Жамият номидан ҳужжатларни имзолашни ташкил этиш;

з) Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

и) банкларда хисоб ракамлар шу жумладан валюта хисоб ракамларини очиш ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

к) давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- л) ўзининг ваколатлари доирасида, Жамият мижозлари, корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади, шунингдек шартома мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- м) штатларни белгилаш, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлаш;
- н) Жамиятга ходимларни ишга қабул килиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини риоя этилишини таъминлаш;
- о) Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилияйтларидан унумли фойдаланиш чораларини кўриш;
- п) Жамият ходимларининг малакасини ўкув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириш;
- р) Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;
- с) Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- т) Жамият филиаллари ва ваколатхоналари штат жадвалларини тасдиқлаш;
- у) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш;
- ф) филиал фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш ва уларнинг бизнес – режаларини ва бажариш тўғрисидаги ҳисботларини тасдиқлаш;
- х) Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;
- ц) Жамият таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўзининг вакилларини Жамият номидан овоз бериш тартибини белгилаш;
- ч) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, ҳамда Жамият ички хужжатларига риоя қилиш;
- ш) Жамият Бошқарув раиси, қонунчилик, ушбу Устав ва Жамиятнинг меъёрий хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **4.2** Бошқарув раиси биринчи ўринbosарининг **хуқуқлари** қуидагилардан иборат:

- ўз ваколати доирасида, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 06 майда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги ЎРҚ-370-сонли қонуни ва жамиятнинг уставида ҳамда ушбу шартномада назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг жорий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қиласди;
- унинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича жамиятнинг ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;
- жамият ходимларидан ички ва жамиятда амалдаги бошқа тартиб қоидаларга риоя қилишларини талаб қиласди;
- жамият ходимларини (бошқарув аъзолари бундан мустасно) рағбатлантириш ва уларга интизомий чоралар қўллаш бўйича бошқарув раисига таклифлар киритишни амалга оширади.

#### **4.3** Бошқарув раиси биринчи ўринbosарининг **мажбуриятлари** қуидагилардан иборат:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг ўзи раҳбарлик қиласиган соҳа ва йўналишларининг самарали ва барқарор фаолият олиб боришини таъминлаб, уни бошқаришда иштирок этади (ягона акциядор, кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) ва жамият бошқарув раисининг мутлақ ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно);
- жамият ягона акциядори, кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) ва жамият бошқарув раисининг карорларини бажаради;
- жамиятда суғурта хизматларини кўрсатиш, худудий филиаллар билан ишлаш, ахборот технологияларида тижорат алоқаларини кенгайтириш бўйича дастурларни ишлаб чиқишида ҳамда ижросини бажарилиши юзасидан бошқарилишини назорат қиласди;

- жамият ягона акциядори, жамият кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) ва жамият бошқарув раисига жамиятнинг молиявий фаолияти бўйича чораклик ва йиллик хисботлар тақдим этилишида иштирок этиб боради;

- жамият бошқарув мажлисларини ташкил этишда қатнашади ва бошқарув раиси томонидан берилган ваколатлар доирасида жамият хужжатларига имзо чекади;

- жамият ходимлари томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини, уларнинг ижтимоий кафолатлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлайди;

- фойдани ошириш ва жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичларини бажариш учун хизматларни сотиш жараёнида барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган жамиятнинг молиявий-иктисодий фаолиятини ташкил қиласди;

- ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, жамият уставига, жамиятнинг ягона акциядори буйруқ-қарорларига, жамиятнинг кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) баённомалари қарорларига, жамият бошқарув раиси буйруқ-қарорларига, бошқа локал хужжатларга ва ушбу шартномага риоя қилиши ҳамда лавозим йўриқномасида белгиланган бошқа вазифаларни бажариши шарт.

**4.4** Бошқарув раиси биринчи ўринbosарига бўйсунадиган бўлинмалар Акциядорлар умумий йиғилиши билан тасдиқланади.

**4.5** Бошқарув раиси ўринbosарининг **хукуқлари** куйидагилардан иборат:

- ўз ваколати доирасида, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 06 майда қабул килинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-370-сонли қонуни ва жамиятнинг уставида ҳамда ушбу шартномада назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг жорий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қиласди;

- унинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича жамиятнинг ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

- жамият ходимларидан ички ва жамиятда амалдаги бошқа тартиб қоидаларга риоя қилишларини талаб қиласди;

- жамият ходимларини (бошқарув аъзолари бундан мустасно) рағбатлантириш ва уларга интизомий чоралар қўллаш бўйича бошқарув раисига таклифлар киритишни амалга оширади.

**4.6** Бошқарув раиси ўринbosарининг **мажбуриятлари** куйидагилардан иборат:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг ўзи раҳбарлик қиласиган соҳа ва йўналишларининг самарали ва барқарор фаолият олиб боришини таъминлаб, уни бошқаришда иштирок этади (ягона акциядор, кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) ва жамият бошқарув раисининг мутлак ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно);

- жамият ягона акциядори, кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) ва жамият бошқарув раисининг қарорларини бажаради;

- жамиятни ривожлантириш бўйича дастурлар, компанияни моддий техника базасини мустаҳкамлаш, маъмурий бинолар, автотранспорт воситалари, ортехника воситалари билан таъминлаш, хавфсизлик хизматини мувофиқлаштириш юзасидан бошқарилишини назорат қиласди;

- жамият ягона акциядори, жамият кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) ва жамият бошқарув раисига жамиятнинг молиявий фаолияти бўйича чораклик ва йиллик хисботлар тақдим этилишида иштирок этиб боради;

- жамият бошқарув мажлисларини ташкил этишда қатнашади ва бошқарув раиси томонидан берилган ваколатлар доирасида жамият хужжатларига имзо чекади;

- жамият ходимлари томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини, уларнинг ижтимоий кафолатлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлайди;

- фойдани ошириш ва жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичларини бажариш учун хизматларни сотиш жараёнида барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган жамиятнинг молиявий-иктисодий фаолиятини ташкил қиласди;

- ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, жамият уставига, жамиятнинг ягона акциядори буйруқ-қарорларига, жамиятнинг кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) баённомалари қарорларига, жамият бошқарув раиси буйруқ-қарорларига, бошқа локал хужжатларга ва ушбу шартномага риоя қилиши ҳамда лавозим йўрикномасида белгиланган бошқа вазифаларни бажариши шарт.

**4.7** Бошқарув раисининг ўринбосарига бўйсунадиган бўлинмалар Акциядорлар умумий йиғилиши билан тасдиқланади.

**4.8** Бошқарув раисининг Молия ишлари бўйича ўринбосарининг **хукуқлари** куйидагилардан иборат:

- ўз ваколати доирасида, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 06 майда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида”ги ЎРҚ-370-сонли қонуни ва жамиятнинг уставида ҳамда ушбу шартномада назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг жорий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қиласди;

- унинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича жамиятнинг ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

- жамият ходимларидан ички ва жамиятда амалдаги бошқа тартиб қоидаларга риоя қилишларини талаб қиласди;

- жамият ходимларини (бошқарув аъзолари бундан мустасно) рағбатлантириш ва уларга интизомий чоралар кўллаш бўйича бошқарув раисига таклифлар киритишни амалга оширади.

**4.9** Бошқарув раисининг Молия ишлари бўйича ўринбосарининг **мажбуриятлари** куйидагилардан иборат:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг ўзи раҳбарлик қиласиган соҳа ва йўналишларининг самарали ва барқарор фаолият олиб боришини таъминлаб, уни бошқаришда иштирок этади (ягона акциядор, кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) ва жамият бошқарув раисининг мутлак ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно);

- жамият ягона акциядори, кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) ва жамият бошқарув раисининг қарорларини бажаради;

- жамиятни ривожлантириш бўйича дастурлар ва бизнес-режаларни ишлаб чиқишида ҳамда ижросини бажарилиши юзасидан бошқарилишини назорат қиласди;

- жамият ягона акциядори, кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса), тафтиш комиссияси, ички аудит ва бошқарув раиси талабларига биноан сўралган хужжатларни монеликсиз тақдим этади;

- жамият ягона акциядори, жамият кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) ва жамият бошқарув раисига жамиятнинг молиявий фаолияти бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботлар тақдим этилишида иштирок этиб боради;

- жамият бошқарув мажлисларини ташкил этишида қатнашади ва бошқарув раиси томонидан берилган ваколатлар доирасида жамият хужжатларига имзо чекади;

- жамият ходимлари томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини, уларнинг ижтимоий кафолатлари ва меҳнатни муҳофаза қилишини таъминлайди;

- ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, жамият уставига, жамиятнинг ягона акциядори буйруқ-қарорларига, жамиятнинг кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) баённомалари қарорларига, жамият бошқарув раиси буйруқ-қарорларига, бошқа локал хужжатларга ва ушбу шартномага риоя қилиши ҳамда лавозим йўрикномасида белгиланган бошқа вазифаларни бажариши шарт.

**4.10** Бошқарув раисининг ўринбосарига бўйсунадиган бўлинмалар Акциядорлар умумий йиғилиши билан тасдиқланади.

**4.11** Хукуқий таъминлаш ва сугурта тўловлари маркази директорининг **хукуқлари** куйидагилардан иборат:

- ўз ваколати доирасида, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 06 майда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-370-сонли қонуни ва жамиятнинг уставида ҳамда ушбу шартномада назарда тутилган ҳолларда жамиятнинг жорий фаолияти билан боғлик масалаларни ҳал қиласди;

- унинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича жамиятнинг ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

- жамият ходимларидан ички ва жамиятда амалдаги бошқа тартиб қоидаларга риоя қилишларини талаб қиласди;

- жамият ходимларини (бошқарув аъзолари бундан мустасно) рагбатлантириш ва уларга интизомий чоралар қўллаш бўйича бошқарув раисига таклифлар киритишни амалга оширади.

**4.12 Ҳукукий таъминлаш ва сугурта тўловлари маркази директорининг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:**

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг ўзи раҳбарлик қиласидан соҳа ва йўналишларининг самарали ва барқарор фаолият олиб боришини таъминлаб, уни бошқаришда иштирок этади (ягона акциядор, кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) ва жамият бошқарув раисининг мутлак ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно);

- жамият ягона акциядори, кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) ва жамият бошқарув раисининг карорларини бажаради;

- жамиятни ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиша, жамият фаолияти давомида вужудга келадиган ҳукукий муносабатларда иштирок этиш, жамият манфаатлари қонуний қимоя қилиш, шартномалар ва ички меъёрий хужжатлар конунчилик талабларига мос келиши, сугурта даъволарини лўриб чиқиши ва тўловларни амалга оширишни тартибга солиш юзасидан бошқарилишини назорат қиласди;

- жамият ягона акциядори, кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса), тафтиш комиссияси, ички аудит ва бошқарув раиси талабларига биноан сўралган хужжатларни монеликсиз тақдим этади;

- жамият бошқарув мажлисларини ташкил этишда қатнашади ва бошқарув раиси томонидан берилган ваколатлар доирасида жамият хужжатларига имзо чекади;

- жамият ходимлари томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини, уларнинг ижтимоий кафолатлари ва меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлайди;

- фойдани ошириш ва жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичларини бажариш учун хизматларни сотиши жараённида барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланишга йўналтирилган жамиятнинг молиявий-иктисодий фаолиятини ташкил қиласди;

- ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, жамият уставига, жамиятнинг ягона акциядори буйруқ-қарорларига, жамиятнинг кузатув кенгаши (агар мавжуд бўлса) баённомалари қарорларига, жамият бошқарув раиси буйруқ-қарорларига, бошқа локал хужжатларга ва ушбу шартномага риоя қилиши ҳамда лавозим йўрикномасида белгиланган бошқа вазифаларни бажариши шарт.

**4.13 Ҳукукий таъминлаш ва сугурта тўловлари маркази директорига бўйсунадиган бўлинмалар Акциядорлар умумий йиғилиши билан тасдиқланади.**

## **5. Жамият Бошқарувининг иш тартиби**

**5.1** Жамият Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Жамият Бошқаруви томонидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Бошқарувнинг фикри ҳақида акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қиласди.

**5.2** Жамият Бошқаруви унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 50 фоизидан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

**5.3** Жамият Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашашётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида

масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Жамият Бошқаруви раисининг овози ҳал этувчи хисобланади.

**5.4** Жамият Бошқарувининг мажлиси Бошқарув раиси томонидан ёхуд кўриб чиқилаётган масалага эгаллаган лавозими юзасидан бевосита алоқадор бўлган Бошқарув аъзоси томонидан олиб борилади.

**5.5** Жамият Бошқаруви котиби Бошқарув мажлисларининг баённомаси юритилишини ташкил этади. Бошқарув мажлислари баённомаларидан кўчирмалар:

- мажбурий тартибда Жамият тафтишчисига;
- бошқа мансабдор шахслар ва аудиторнинг талабига қўра факат Бошқарув раисининг рухсати асосида;
- амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган холларда бошқа шахсларга ва органларга (шу жумладан давлат органларига) берилади.

## **6. Жамият Бошқарувининг жавобгарлиги**

**6.1** Жамият Бошқаруви аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида жамиятга етказилган заарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ Жамиятга етказилган заарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда Жамият олдида жавоб берадилар.

**6.2** Бошқарув аъзолари фаолияти Жамият хизматларини мижозларга тақдим этишида қийинчилик туғдирадиган Жамиятларни таъсис этиш ёки таъсис этишида қатнашиш хукуқига эга эмаслар. Бошқарув аъзоси лавозимга тайинланганида бундай Жамиятлардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилишини хабардор қилиши лозим.

**6.3** Жамият Бошқарув раиси ва аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари натижасида Жамиятга етказилган заарар ва уни ўрнини тўлиқ қоплаш бўйича қонун хужжатлари ва Жамият уставига мувофик жавобгардилар.

**6.4** Жамиятга заарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

**6.5** Жамият томонидан жойлаштирилган оддий акцияларнинг хаммаси бўлиб камида биз фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган заарларни ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Бошқарув аъзолари устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

О.Назаров

А.Рахматуллаев

Б.Пулатов

И.Норқобилов

М.Кобилов